
Сиз-ла олам мунаввар, азиз устоз-мураббийлар!

Фурқат туманидаги “Оқ сарой” тантаналар мажмуасида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан туман байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, секторлар раҳбарлари, туманимиздаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатиб келаётган устоз ва мураббийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Тантанали тадбир аввалида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов йиғилганларни, улар орқали тумандаги барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан самимий қутлади. Бугун замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз камолида устоз ва мураббийларнинг ҳиссаси беқиёслиги, шунинг учун ҳам устоз-мураббийларнинг улуғ хизматлари доимо юксак қадрланиши яна бир бор таъкидланди.

Туман халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 1847 нафардан зиёд педагог-мураббийлар ўз касбининг фидоийлари эканлиги, соҳа ривожини йўлида ҳар бир устознинг ўзига хос ютуқ ва зафарлари бисёрлиги эътироф этиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда туманимиздаги олий ўқув юр்தларига кириш кўрсаткичлари юқори бўлган умумтаълим мактаблари директорлари, ўқитувчилари, фахрий устозлар, бугунги кунда таълим тизимида самарали фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ҳам туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тўкин дастурхон атрофидаги гурунг ва суҳбатлар тадбир иштирокчиларини, таълим тизими ходимларини бир бирларига янада яқинлаштирди.

Туман маданият бўлимининг хушовоз санъаткорлари ва иқтидорли ёшларнинг куй-қўшиқлари, гўзал тароналар эса рақсларга уланиб, барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

2022-10-03 09:15:17